

## БЮДЖЕТ НАЗОРАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Атажанов Муродбек Бекберганович  
Мустақил тадқиқотчи*

**Аннотация.** Бюджет назаоратига янги молиявий инновацияларни кириб келиши айниқса соҳани рақамлаштириш кўплаб муаммоларни самарали ечиш имкониятларини яратиб бермоқда, жумладан давлат молиявий назоратини сифатли амалга ошириш, молия ва бюджет соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, назорат органларининг самарали ўзаро ҳамкорлигини таъминлашдан иборатdir.

**Калит сўзлар:** рақамлаштириш, молия, бюджет, давлат бюджети назорати, рақамли назорат.

Сўнгти йилларда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши молиявий-иктисодий ва ижтимоий соҳанинг асосий тармоқлари қиёфасини сезиларли даражада ўзгартириб юбормоқда. Тобора кўпроқ хўжалик юритувчи субъектлар, давлат идоралари ўзларининг иш юритиш ҳамда бизнес жараёнларини рақамли муҳитга ўтказишга интилмоқда. Бу ўз навбатида транзакция харажатларини сезиларли даражада камайтириш ва иктисодий фаолият ҳажмини оширишга имкон бермоқда. Шунингдек, рақамли трансформация давлат институтлари ва ижтимоий соҳа фаолияти моделларини ўзгаришига катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Янги технологиялар ва замонавий рақамли воситаларнинг жорий этилиши деярли барча муассасаларнинг хўжалик фаолиятини юритиш бизнес жараёнларида ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Кўп тадқиқотчи олимлар рақамлаштиришни “тор” ва “кенг” маъноларда кўриб чиқиши таклиф этишади. Биринчи ҳолда, бу ахборотни рақамли шаклга айлантириш жараёнидир. Иккинчи ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг сифат жиҳатидан янги даражасига ўтиш, жамоат товарларини таъминлаш (олиш) учун вақт ва харажатларни қисқартиришни назарда тутади [1, 2].

Давлат молия комплексини рақамлаштириш турли манбалардан келаётган ахборотларни автоматлаштирилган қайта ишлаш орқали назорат фаолияти самарадорлигини ошириш, шунингдек уларни тайёрлаш харажатларини оптималлаштириш имконини берувчи ягона рақамли муҳитни яратиш ва уни амалга оширишдан иборатdir [3].

Ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини яратиш, шунингдек, турли ИТ-платформаларни яратишда ифодаланган рақамлаштириш ва рақамли

трансформация жараёнлари бугунги кунда ҳаётнинг барча жабҳаларида фаол кечмоқда. Албатта давлат молиявий назорати соҳаси ҳам бундан мустасно эмас.

Рақамли технологиялар турли соҳалардаги институтларнинг жорий стратегияларини янги рақамли талабларга мослаштиришга ва улар фаолиятида янги имкониятларни очиб беришмоқда. Бюджет ғазна ижроси ёки молия назорати тизимиға рақамли технологияларни жорий этилиши кўплаб муаммоларни бартараф этиши, тизимни самарали ишлаши учун кўплаб самарали ечимларни тақдим этади. Жумладан:

- назорат объектларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги маълумотлардан тезкор фойдаланиш;
- назорат қилинадиган муҳитни тўлиқ қамраб олиш;
- замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда катта маълумотлар ҳажмини таҳлил қилиш, шунингдек, маълумотлар базаларини ишлатиш ва бошқариш учун юқори технологияли тизимлардан фойдаланиш;
- чекланган кадрлар шароитида режалаштириш, ташкил этиши ва назорат вазифаларини бажариш сифати ва самарадорлигини ошириш;
- молия ва бюджет соҳасидаги рискларнинг олдини олиш;
- қоғоз хужжат айланишини минималлаштириш;
- назорат муҳитида маъмурий юкни камайтириш.

Бизнес-жараёнларни кенг миёсда рақамлаштириш молия-бюджет соҳасида назорат фаолиятини амалга ошириш учун ягона ахборот маконини шакллантиришни ҳам таъминлайди, ҳамда давлат молиявий назорати органлари фаолиятини қайта ташкил этади ва «ақлли назорат»ни жорий этиши имконини беради. Бу қўйидагилар учун шароит яратади:

- комплекс электрон хужжат айланиши ва кўринмас «рақамли» назоратнинг мавжудлиги ҳисобига маъмурий юкнинг камайиши;
- рискларни бошқариш институтини яратилиши ва хавф зонаси кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;
- тезкор таъсир ва бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- молия ва бюджет соҳасидаги хуқуқбузарликларнинг ўз вақтида олдини олиш.

Рақамли трансформация бюджет соҳасида молиявий назоратни самарали амалга оширишнинг зарурий шартига айланиб бормоқда. Шу билан бирга рақамли инструментлар натижадор қарорларни қабул қилишга яқиндан ёрдам беради. Бу ўз навбатида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар натижаларини бартараф этишдан кўра уларнинг олдини олиш имкониятларини келтириб чиқаради ва заарлар миқдорини олдиндан камайтириш имкониятини беради.

Молиявий назоратни рақамлаштиришнинг афзалликлари жуда кўп ва у ўз навбатида самарали ечимларни тақдим этиши ҳеч кимга сир эмас. Назорат субъектлари учун улар назорат қилинадиган муҳитни максимал қамраб олиш, назорат сифатини ошириш, коррупцион хавфларни камайтириш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ўз навбатида, назорат объектлари назорат қилувчи органларга хужжатларни тақдим этиш билан боғлиқ катта маъмурий юқдан озод қилинадилар.

Корпоратив хизмат кўрсатиш соҳасида информацион технологияларининг жадал ривожланиши шароитида давлат ҳеч бўлмагандан улардан ортда қолиб кетиш керак эмас. Шу сабаб, ягона рақамли платформалар ва тизимларни яратиш орқали давлат ўз вазифаларини бажариш сифати ва изчилигини ошириш зарур бўлади.

Давлат бошқарувини рақамли ўзгартиришнинг алоҳида йўналиши бу назорат ва тафтиш фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ. Назорат давлат бошқаруви функцияси сифатида бошқарув субъекти (давлат ҳокимияти, маҳаллий ҳокимият ва бошқалар) ва обьекти (ташкilotлар, фуқаролар ва бошқалар) ўртасидаги алоқани таъминлайди. Давлат назорати турларидан бири бу давлат молиявий назоратидир.

Бюджет муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ва норматив-хуқуқий хужжатлар қоидаларига риоя қиласлик фактларини аниқлаш, уларнинг юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш, келгусида уларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва зарур ҳолларда чора-тадбирлар кўриш, етказилган заарни қоплаш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш мақсадида давлат молиявий назорати ўтказилади. Шу боис давлат молия назоратини рақамлаштириш камида юқоридаги вазифаларни ҳал этишга ёрдам бериши керак.

Давлат молиявий назорати фаолиятини рақамлаштириш ушбу жараённинг ҳам ички ва ташқи томонларини қамраб олади. Ички бу тайёрганлик ва ташкилий босқичларни рақамлаштириш масалаларни ўз ичига олади. Ташқи биринчи навбатда, бошқарув таъсаруффида бўлган обьектларнинг информацион тизимларига киришни, шунингдек, зарур маълумотларни ўз ичига олган бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро интеграциясини таъминлайди.

Умуман олганда, давлат молиявий назорати фаолиятини рақамлаштиришнинг учта самарали ёндашувини қўришимиз мумкин бўлади, жумладан:

1. Марказлаштирилмаган, ҳозирги даврга хос бўлган, давлат молиявий назорат органлари томонидан ўз ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

2. Вертикал марказлаштирилган, унда иккита марказлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва таъминлаш амалга оширилади: ташқи органлари ва ички давлат молиявий назорати органлари учун.

3. Давлат молиявий назоратининг барча органлари учун ягона ахборот тизимларини ишлаб чиқиш ва таъминлаш билан боғлиқ интеграли тизими.

Юқорида санаб ўтилган таклифлардан ташқари, бизнинг фикримизча, давлат молиявий назоратини рақамлаштириш бўйича асосий талаб ва шартларини белгиловчи стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда давлат молиявий назоратини рақамлаштиришдан асосий мақсад бу шундай бизнес-жараёнлар бўлиши керакки, уларда қоидабузарлик умуман содир бўлмаслиги керак. Бунга бюджет, харид, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот бериш тартиб-қоидаларини алгоритмлаш ва синхронлаштириш ҳамда огоҳлантириш назоратини ўрнатиш орқали эришиш мумкин бўлади.

#### **Фойдаланган адабиётлар руйхати**

- Сименко И.В., Чаусова Я.С. Информатизация и цифровизация государственного финансового контроля: терминологический анализ понятий. Социально-экономическое управление: теория и практика. 2020;(2):34–37.
- Кондратьева М.Н., Комахина А.В. Цифровизация: исследование основных терминов. Экономика и управление: научно-практический журнал. 2022;(3):134–139. DOI: 10.34773/EU.2022.3.25/
- Лукашов А.И. Отдельные направления повышения эффективности государственного управления в условиях цифровизации. Финансовый журнал. 2021;13(3):67–75. DOI: 10.31107/2075–1990–2021–3–67–75